





Президент Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш тартибини янада либераллаштириш, бу борада ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан суд назорати самарадорлигини оширишга қаратилган тақдирлар тақдироти билан танишди.



2026 йил январь-март ойларида Ўзбекистонда йирик қувватли қуёш ва шамол электр станциялари томонидан 2 млрд 368,2 млн кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Маълум қилинишича, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 678,1 млн кВт/соатга ёки 40 фоизга кўп.



● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Эътироф

ДУНЁ ТАН ОЛАЁТТАН НОЁБ МАЖМУА

У юракдан тугилган, халқимизнинг орзу-интилишлари ва буюклигини намён этиши истагидан пайдо бўлган маскандир. Бу лойиҳа буюк халқимизнинг асл қиёфасини рўбга чиқаришга қаратилган эзгу ниятлар маҳсулидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти




Тошкентдаги Ислон цивилизацияси маркази «Энг йирик ислом цивилизацияси музейи» номинацияси бўйича расман Гиннесс рекордлар китобига киритилди.

Бу маълумот қайд этилган сертификат ташкилот вакили Шейда Субаши томонидан тантанали равишда топширилди.

Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудда жой-

лашган ушбу марказ улугвор меъморий кўрсаткичлари билан ажралиб туради: ҳудуд майдони — 10 гектар, бинонинг узунлиги — 161 метр, кенлиги — 118 метр, гўмбазнинг баландлиги — 65 метр, хоналарнинг умумий майдони эса қарийб 50 минг квадрат метрни ташкил этади.

Таъқиланишича, айнан шу хусусиятлар жаҳон рекордига асос бўлган.



Ушбу мажмуанинг Ватанимиз ва Миллатимиз учун қанчалик аҳамиятга эга экани кенг ва чуқур ёритилган мақолани ўқинг:



Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига!

ИЛТИМОС, КЕЙИНРОҚ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ!..

Яқинда телефонимдаги Road24 иловасига Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Маъмурий амалиёт бўлими томонидан расмийлаштирилган жарима ҳақида қарор келди. Жарима кам эмас — 1 миллион 236 минг сўм.



Қарорга илова қилинган видеони очиб кўрдим. Автомобиль светофорнинг сариқ сигналида ҳаракатни тугатгандек кўринди. Аммо менинг номимдаги машинага қизил чирокда ўтилгани учун жарима расмийлаштирилган.

Шу пайт «ҳуқуқий жамият фуқароси» эканим ёдимга тушди. Қарорнинг ўзида ҳам: «Мазкур қарор устидан эътирозингиз бўлса...» деган жумла бор экан. Таваккал, деб тугов. уз орқали шикоят юборишга аҳд қилдим. Нима жин урди-ю, шу ишга қўл урдим, билмадим. Ундан кўра, тинчгина тўлаб қўя қолам бўларкан...

Тўғри, Йўл ҳаракати қоидаларининг 41-бандига кўра, ҳайдовчи тақиқловчи ишора ёзилганда тўхташ чизиги олдида тўхташи шарт. Лекин шу қоидаларнинг 42-бандида яна бир муҳим норма бор: агар яшидан кейин сариқ ёзилган пайтда ҳайдовчи кескин тормоз бермасдан тўхташга улгурмаса, унга ҳаракатни давом эттиришга руҳсат берилади.

Менга айнан шу жойи адолатсизликдек туюлди. Чунки видеода машина қизил чирок ёнган пайтда тўхташ чизигидан 3-4 метр ўтиб бўлгани яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам «қизилга ўтди»,

деган тайёр хулоса асосида қарор чиқарилган, ҳолат эса тўғри баҳоланмаган, деган фикрга келдим.

Қани энди ту.gov.uz орқали шикоят юбора олсам?! Шикоят саҳифасида қарор рақами киритиладиган жойни тўлдирининг умуман иложи бўлмади. Аслида шикоят қилинмоқчи бўлган қарор рақами автоматик тарзда чиқиши керак экан. Аммо уч кун давомида неча бор уринсам ҳам, рақам юкланмади. Ваҳоланки, барча катакларни тўлдирмагунингизча, эътироз ёзилган мурожаатни юбориб бўлмас экан.

Қайта кирдим, яна уриндим, турли вақтларда синаб кўрдим — кошки натижа бўлса! Шундан сўнг қарорнинг ўзида кўрсатилган тўртта телефон рақамига кўнғироқ қила бошладим. Лекин у ерда ҳам бир хил манзара:

«Абонент банд, илтимос, кейинроқ кўнғироқ қилинг».

Кейинроқ кўнғироқ қилвериб, нақ уч кун вақт сарфладим. Ростки, ақалли чақирув овози кетиб, у томонда ҳеч ким кўтармаса ҳам бунчалик алам қилмасди.

Хуллас, ҳафсалам пир бўлди. Агар фуқаро «мен рози эмасман, ҳолат қайта кўриб чиқилсин» деса, лекин портал қарор рақамини қабул қилмаса, телефонлар ишламаса, у ўз ҳуқуқидан қандай фойдаланади? Қозғоғда бор ҳуқуқ амалда ишламаса, ҳуқуқлиги қоладими? Бундай вазиятда ҳар қандай

ҳуқуқий давлатда энг оддий механизми ишлаши керак: фуқаро эътироз билдиради, ваколатли орган уни қабул қилади, кўриб чиқади ва жавоб қайтаради. Назария шундай. Амалиётда эса бунинг аксини кўрапмиз.

Жарима чиқариш механизми швейцар соатидек ишлапти: қарор ўз вақтида келади, сумма кўринади, тўлов қилиш имконияти ҳам бор. Аммо фуқаро «Бу қарор тўғрими ўзи?» деган заҳоти эшиклар тақа-тақа ёпилади.

Муаммонинг қўлаи битта саят тўлиқ ишламаётганидан-да каттароқ. Муаммо — фуқарога муносабатда.

Энг ачинарлиси, жаримани тез чиқаришга мослашган тизим уни қайта кўриб чиқишга келганда оқсай бошлайди. Балки, ҳақиқатан ҳам, бу техник носозликдир. Лекин фуқаро учун бунинг қизиги йўқ. Жарима чиқариш механизми ишласа-ю, эътироз билдириш механизми ишламаса, демак, фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи поймол бўляпти.

Мен жаримадан қочаётганим йўқ. Имтиёз ҳам сўрамаганман. Агар қонун шундай белгилаган бўлса, албатта, жарима тўланади. Лекин фуқаро чиқарилган қарордан норози бўлса, унинг эътирозини қабул қилади-ган, аниқ ва ишончли ишлайдиган механизм бўлиши шарт. Акс ҳолда, яратилаётган «рақамли давлат» тизимига одамларда ишонч қолмайди.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

25 000 000 сўмга тушган хато

«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ раиси ўринбосари Абдувоҳид Мадаминов меҳнат ҳуқуқлари бузилгани важи билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ўрганишлар мобайнида маълум бўлишича, А.Мадаминов мазкур жамиятда меҳнат фаолиятини оддий назоратчи вазифасидан бошлаб, кўп йиллик самарали меҳнатлари натижасида раҳбарлик мақомига эришган. Хусусан, 2025 йил 13 майдаги тегишли фармойишга асосан, жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарган. Аммо ўша йили 28 июлда бу лавозимга бошқа шахс тайинлангач, у аввалги ишига қайта тикланмаган. Оқибатда меҳнат ҳуқуқлари бузилган.

Касаба уюшмалари томонидан

кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида суд А.Мадаминов фойдасига қарор чиқарди. Шу тариқа у жамият раисининг ижтимоий ва иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тикланди. Бундан ташқари, мажбурий бекор юрган кунлари ҳамда маънавий зарар учун унга 25 миллион сўм ундирилиб бериладиган бўлди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош юриконсулти

УЛАР «ДЕКРЕТ»ДАН ҚАЙТИШДИ, АММО...

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида яшовчи Ирода Шодиева иш берувчи уни туғуруқ таътилидан сўнг ишга қўймаётганидан норози бўлиб, мурожаат йўллади.

Ўрганишлар давомида у белгиланган тартибда таътилдан қайтиб, аввалги ишини давом эттириш ниятида бўлгани, аммо иш берувчи унинг қонуний талабини рад этгани аниқланди. Ҳолат юзасидан тегишли тартибда иш берувчи билан музокара ўтказдик. Натижада ходим ўз ишига тикланди.

Худди шундай ташвиш кумқўрғонлик Камола Бахриддинованинг ҳам бошига тушди. Можаро ўрганилиб, иш берувчи қонун талаблари тушунтирилгач, низо ходим фойдасига ҳал этилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабга уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитасининг II мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2025 йилдаги фаолият натижалари ва 2026 йил учун белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Дастлаб кўмита раиси Манзураҳон Акрамова 2025 йил ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Унинг қайд этишича, бирлашган кўмита таркибидagi 136 та бошланғич ташкилотда 20 мингдан ортиқ ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида аъзолар сони ортиб, касабга уюшмасига ишонч мустаҳкамланмоқда.



ХОДИМЛАР ҲИМОЯСИ ЙИЛ САЙИН ЯХШИЛАНМОҚДА

Хисобот даврида ижтимоий ҳимоя масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 4 минг 176 нафар ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилиб, бунинг учун

600 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Кам таъминланган оилаларнинг 146 нафар фарзанди мактаб анжомлари билан таъминланди. Шунингдек, 174 нафар бола ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида дам

Осон қўлга киритилган бахт узоқ давом этмайди.
Габриэль Гарсия Маркес

Мажлис



олдирилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 3 мингдан ортиқ ходим саёҳатга юборилди, 146 нафар аъзо эса саёҳатгоҳларда соғлигини тиклади.

Мажлисида тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланб, касабга уюшмаси маблағларидан мақсадли фойдаланилгани эътироф этилди.

Кун тартибидagi барча масалалар кўриб чиқилиб, кўмита фаолияти ижобий баҳоланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Тадбир

«ШИРИНТОЙ»ДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Боёвут тумани, Маъданият МФИда жойлашган «Ширинтой» номли нодавлат мактабгача таълим ташкилотига баҳорнинг энг гўзал айёмига бағишланган байрам тадбири кўтаринки руҳда ташкил қилинди. Унда болажонлар миллий ва замонавий рақслар ижро этиб, шеър ва кўшиқлар айтиб, қизиқарли саҳна кўрунишлари орқали ўз иқтидорларини намоён этдилар.

– Байрамнинг энг эса қоларли лаҳзаларидан бири анъанавий тарзда сумалак тайёрлаш бўлди. Унда болажонлар ҳам фаол қатнашиб, миллий урф-одатларимиз билан яқиндан танишдилар, – дейди муассаса раҳбари Фарангиз Эргашбоева.

Муассаса 150 ўринли бўлиб, 2025 йилда давлат-хусусий шериклиги асосида, давлатдан 2 млрд 270 миллион сўм имтиёзли кредит олиб ташкил этилган. Бугунги кунда 100 нафар тарбияланувчиси бўлиб, 12 та иш ўрни яратилган.

Тадбирда гуруҳлар ўргасида ўтказилган ижодий чиқишлар ва безаклар жажжиларнинг ҳамжиҳатлигини, нафосати ҳамда миллий қадриятларга муҳаббатини яна бир бор намоён этди. Қолаверса, уларнинг қалбига илиқ хотиралар қолдириб, истеъдоди ва ижодкорлиги янада очилишига хизмат қилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

АНЖУМАНДА СОҲИБҚИРОН ҲАЁТИ ЎРГАНИЛДИ

Термиз шаҳрида буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темури таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалий анжуман ўтказилди. Уни кенгаш раиси Абдукарим Аҳмедов кириш сўзи билан очиб берди. Шу жараёнда иккинчи уйғониш даври – темурийлар Ренессанси бунёдкори, миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида бекиёс ўрин тутган соҳибқирон бобомизнинг муборак номи ва хотираси Ватанимиз мустақилликка эришган йилларда тарихий адолат асосида қайта тикланганини, қадимий ва навқирон Термиз шаҳри «Амир Темури» ордени билан мукофотланганини мамнуният билан таъкидлади.

Шундан сўнг Термиз давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари доктори Тошкенбой Пардаев иштирокчиларга соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчилиги сиёсати, ҳарбий юришлари ва стратегик маҳорати, маданият ва илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил маълумот берди.

– Амир Темурнинг шахси-

яти, буюк аждодимизнинг баъшарият тарихи ва Турон тамалдунидаги ўрни ҳамда темурийларнинг меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг тарғиб қилиш устувор вазифа. Шу мақсадда Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги «Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси соҳибқирон Амир Темури таваллудининг

ТАРИХИЙ САҲНА – МАЪНАВИЙ САБОҚ

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ички ишлар органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Ички ишлар бошқармаси бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан «Амир Темури ёхуд адолат қиличи» спектакли намоён қилинди.

Саҳна асарида буюк саркарда Амир Темурнинг болалик ва ёшлик давлари, жасорати, қатъияти ҳамда Ватанга юксак муҳаббати таъсирчан лаҳзалар орқали ёритилди. Шу билан бирга, юрт тинчлиги ва қудратли давлат барпо этиш

йўлидаги курашлари, муҳим тарихий қарорлари ва юксак ҳарбий маҳорати бадиий талқинда томошабинларга етказилди.

Спектаклда соҳибқироннинг адолатпарвар ҳукмдор сифатидаги фазилятлари, халқ дардига бефарқ эмаслиги, илм-фан ва

маданиятга бўлган эътибори ўзгача руҳда акс эттирилди.

– Томошадан катта таассуротлар олдик, – дейди Ички ишлар бошқармасининг бошланғич касабга уюшмаси раиси Назиржон Шокиров. – Бундай саҳна асарлари ходимларнинг маънавий дунёқарашини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, тарихий меросга ҳурматни ошириш, миллий қадриятларни тарғиб этиш ҳамда ватанпарварлик руҳини кучайтиришда буюк шахслар муҳим ўрин тутади.

Зафарбек ЖҲРАЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

«АДОЛАТ ФАСЛИ» НАМОЙИШИ

– Қўллаб меҳнат жамоалари, талаба-ёшлар қаторида жамоамиз билан театрга тушдик, – дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Ферузбек Раззоқов. – Актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро этишибди. Бундан ҳаммамиз гоё таъсирландик.

Буюк бобақолонимиз Амир Темури таваллудининг 690 йиллиги диёримизда кенг нишонланиб, қутлуг сана муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим асарига асосида «Адолат фасли» деб номланган спектакль намоён қилинди.

Маънавият

690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори олим тадқиқотчиларнинг чуқур илмий изланишлар олиб бориши учун ҳам кенг имконият беради. Ушбу қарор билан темурийлар даври тарихини тизимли ўрганиш ва илмий натижаларни кенг тарғиб этиш бўйича 32 банддан иборат 2030 йилгача мўлжалланган «Йўл харитаси» қабул қилинган алоҳида аҳамиятга эга, – дейди профессор Т. Пардаев.

Тадбирда улуг саркарда ҳаётига бағишлаб вилоят мусиқали драма театри жамоаси томонидан намоён қилинган саҳна кўруниши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, вилоятдаги олий таълим муассасалари талабаларининг Амир Темури ҳикматларини ёддан айтишлари, хушовоз хонандаларнинг Ватан ва тарих мавзусидаги куй-қўшиқлари барчани хушнуд этди.

Анжуман якунида унинг юқори шуқуҳда ўтишига муносиб ҳисса қўшган ташкилотчиларга касабга уюшмалари ҳамда вилоят Амир Темури жамғармаси томонидан фахрий ёрлик, китоблар тўплами ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Спорт



ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Бухоро шаҳрида ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Беллашув давомида спортчиларнинг тайёргарлик даражаси анча юқори экани кўзга ташланди. Уларнинг техник маҳорати, сувда ҳаракатланиш ритми ва жамоавий ҳамкорлик кўникмалари шаклланишини кузатиш мумкин. Бу эса ҳудудларда спорт мактаблари ва мураббийлар самарали фаолият кўрсатаётганидан дарак, албатта.

Мусобақада Тошкент шаҳри вакиллари энг юқори кўрсаткичларни қайд этишди. Қолаверса, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Фарғона вилоятлари жамоаларининг фахрли ўринларни эгаллаши ҳудудларда спортнинг бу турига эътибор кучайганини аниқлатади.

Қайд этиш керак, бугунги кунда сув спортини ривожлантиришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат тузилмалари, хусусан, касабга уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Дилшод ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

Семинар

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – УСТУВОР ВАЗИФА

Бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши соҳаларида инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш эса устувор вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни тизимлаштириш ва ташкилотларда фаолиятни ташкил этиш» мавзусида уюштирилган семинар ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини самарали йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари олдини олиш, мажбурий суғурта, одам савдосига қарши курашиш ҳамда гендер тенглик масалалари муҳокама қилинди.

– Семинарда иштирокчилар ўз билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашди, – деди Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси проректори Сирожиддин Юсупов.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Оламда бугун

ЖАҲОН БАНКИДАН ОГОҲЛАНТИРИШ

Жаҳон банки президенти Ажай Банга яқинлашиб келаётган инқироз ҳақида маълум қилди. Унинг айтишича, яқин 10–15 йил ичида ривожланаётган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли ёшга етадиган 1,2 миллиард нафар киши учун иш ўринлари етишмаслиги кузатилади. Жаҳон банки раҳбари бу ҳақда Reuters агентлигига берган интервьюсида таъкидлаб ўтди.



«Ҳозирги глобал тенденциялар сақланиб қолса, ривожланаётган иқтисодиётлар тахминан 400 миллионга яқин иш ўрни ярата олади, холос. Бу эса 800 миллионга иш ўрни танқислигини келтириб чиқаради», деди у.

Банганинг таъкидлашича, COVID-19 пандемиясидан кейин жаҳон иқтисодиётини ларзага солаётган қисқа муддатли зарбалар кетма-кетлиги шароитида одамлар эътиборини узоқ муддатли истиқболга қаратиш жуда қийин.



Унинг фикрича, сўнгги зарбалардан бири Яқин Шарқдаги уруш бўлди.

У молия соҳаси мутасаддилари эътиборини иш ўринлари яратиш, одамларни электр тармоқларига улаш ва тоза ичимлик сувдан фойдаланиш имконини кенгайтириш каби узоқ муддатли вазифаларга қаратишга интилишини айтди.

«Биз бир вақтнинг ўзида бир нечта масалага эътибор қаратишимизга тўғри келмоқда. Ҳозир жиддий муаммолар цикли ичида. Узоқроқ цикл эса иш ўринлари ёки сув масаласи билан боғлиқ бўлади», деди Банга.

Муваффақиятга эмас, балки у тақдим
этадиган қадриятларга интилинг.

Альберт Эйнштейн



ГАЗЕТАЛАР ОБУНАЧИЛАРГА ВАҚТИДА ЕТИБ БОРЯПТИМИ?

Даврий нашрлар – газета-журналлар жамиятнинг ахборот айланиш тизимида ўзига хос ўринга ва кучли мавқега эга. Улар одамларни юртимизда ва дунёда рўй бераётган янгиликлардан, кундалик ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисалардан хабардор қилиш асноси омма фикрини шакллантиради, ижтимоий кайфиятни белгилаб, маънавий муҳитга таъсир кўрсатади. Аммо ҳар қандай босма нашрнинг нуфузи фақат унинг саҳифаларида ёритилган материаллар мазмун-моҳиятига қараб эмас, балки ўқувчи қўлига қай тарзда ва қанча муддатда етиб бориши билан ҳам белгиланади. Бинобарин, газета-журналларни обуначиларга вақтида етказиб бериш тахририятнинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Одатда даврий нашрлар босмаҳонада чоп этилган, аввало, марказий оморборга, у ердан ҳудудий тарқатиш шоҳобчаларига юборилади. Сўнгра почта бўлимлари ёки махсус дистрибьютор компаниялар орқали обуначиларга етказилади. Ўзбекистонда бу ишлар асосан миллий почта хизмати ва айрим ихтисослашган тарқатувчи корхоналар томонидан амалга оширилади. Шунга қўра, тахририят ва тарқатувчи ўртакда шартнома тузилади, нашрлар белгиланган жадвал бўйича элтиб берилади. Назарий жиҳатдан ушбу тизим узлуксиз ва самарали ишлаши керак. Амалда эса айрим муаммолар ҳам учраб туради. Масалан, баъзи ҳудудларга газеталар бир-икки кун кеч етиб боради. Бу, айниқса, тезкор ахборотларни ёритишга ихтисослашган нашрлар учун жиддий муаммодир. Чунки ахборот кечикса, қиймати пасаяди.

Бундай нохуш ҳолатлар қишлоқ жойларда почта инфратузилмаси етарлича ривожланмагани, транспорт логистикасидаги узиллишлар ёки кадрлар етишмовчилиги туфайли келиб чиқмоқда. Баъзи тахририятлар эса тарқатиш харажатлари ошиб бораётганидан норози. Газетани чоп этиш ҳақи, қозғо нархи ва логистика харажатлари кўпайгани сайин обуначилар нархи кўтарилиб, обуначилар сони камайишига олиб келади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда Интернет орқали обуначилар тизими ҳам жорий этилди. Айрим нашрлар обунани расмий веб-сайтлари ёки электрон платформалар орқали қабул қилишмоқда. Бу анъанавий почта тизимига қўшимча имконият сифатида қўрилмоқда. Бироқ рақамли формат хали барча аҳоли қатламлари учун бирдек қўлай эмас. Жумладан, катта ёшли муштарийлар босма нашрни ўқишни афзал кўришади, чунки улар учун газета саҳифасини арақлаш, уни сақлаб қўйиш ва қайта мутулаа қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Хориж тажрибаси эса бу борада анча тизимли ва ди-

версификация қилинган моделни намоян этади. Масалан, АҚШ ва Европа мамлакатларида босма нашрларни етказиб берувчилар билан бир қаторда, йирик хусусий дистрибьютор компаниялар ҳам фаолият юритади. Улар миллионлаб нусхадаги нашрларни саралаш, манзилларга ажратиш ва қисқа муддатда етказишни автоматлаштирилган логистика марказлари орқали амалга оширади. Баъзи давлатларда эртабки газеталар тонг отмасиданоқ обуначининг эшиги олдида қўйиб кетилади. Бу нашр обрўсини оширади ва ўқувчи ишончини мустаҳкамлайди.

Қолаверса, хорижда босма ва рақамли форматлар ўзаро уйғунлашган. Кўплаб нуфузли газеталар, масалан, The New York Times ёки The Guardian муштарийларга босма, рақамли ёки гибрид обунани танлаш имконини яратмоқда. Рақамли версиялар махсус мобил иловалар ва веб-платформалар орқали тақдим этилади. Бундай модел воситасида ахборот реал вақт режимда етказилмоқда. Magzter каби халқаро платформалар эса юзлаб журналларни электрон форматда жаҳон бўйлаб тарқатмоқда. Натигада логистика харажатлари камайиб, географик чекловлар барҳам топмоқда.

Халқаро дистрибуция хизматлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, Европа ва Осиёда фаолият юритувчи йирик логистика компаниялари журналларни 200 дан ортиқ мамлакатга етказиб бериш имконига эга. Бу глобаллашув шароитида ахборот айланиши тезлаштиради. Ўзбекистон нашрлари учун ҳам хорижий аудиторияга чиқиш доираси айнаш шундай тизимлар орқали кенгайтириш мумкин.

Қиёсий таҳлиллардан маълум бўлишича, Ўзбекистонда босма нашрларни етказиб беришда асосан давлат почтаси ҳамда «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ инфратузилмаси хизматларидан фойдаланилади. Хорижда рақобат муҳити кучли бўлиб, хусусий сектор етакчи ўринни эгаллайди. Логистика жараёнлари рақам-

Долзарб мавзу

лаштирилган, манзиллар базаси автоматлаштирилган бўлиб, етказиб бериш муддати қатъий назорат қилинади. Ўзбекистонда эса бу жараён хали тўлиқ рақамлашмаган. Шу боис айрим ҳудудларда тизим самардорлиги пастроқ.

Хозир Бухоро вилоятида даврий нашрларни тарқатувчи энг катта концерн вилоят «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ саналади. Бу корхона томонидан жами 110 турдаги газета-журналлар тарқатилади. Уларнинг 21 тури 1–20 нусхада, 48 тури 20–50 нусхада, 15 тури 50–100 нусхада етказилади. Айрим оммавий нашрлар – «Халқ сўзи», «Жадид», «Даракчи» газеталари 100–150 нусхада тарқатилади. Энг катта улуш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига дахлдор бўлиб, у 2274 нусхани ташкил этади.

Газеталарни обуначиларга етказиб бериш бир неча босқичдан иборат жараён. Нашрлар асосан тахририят билан ҳудудий матбуот тарқатиш корхонаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, шаҳар ва туманларга, сўнгра маъсул ходимлар орқали ташкилот ва муассасаларга етказиб берилади. Масалан, Ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари вилоятда кўп обуначилари бор нашрлар сирасига киради ҳамда асосан қасаба уюшмаси ташкилотлари, таълим муассасалари-ю давлат идоралари орқали тарқатилади. Бу уларнинг аудиторияси барқарор ва мақсадли эканлигини билдиради. Тарқатиш хизмати учун белгиланган ҳақ обуначиларнинг маълум қисмига тенг бўлиб, тизимнинг молиявий асосини таъминлайди.

Вилоятда газеталарни ўқувчиларига етказиб бериш бир неча ҳудудларга бўлинган ҳолда йўлга қўйилган. Почтабонлар ёки обунани уюштирувчилар нашрни ташкилотларга бевосита етказиб беришади. Айрим туманларда транспорт воситаларидан фойдаланилиши узоқ масофаларни қамраб олиш имконини яратади. Шу билан бирга, баъзи жойларда кадр етишмовчилиги ёки маъсул ходимларнинг алмашинуви сабабли етказиб беришда узиллишлар бўлаётганини ҳам тан олиш керак. Бундан қатъи назар, ақсарият ҳудудларда бу ишлар белгиланган жадвал асосида амалга оширилади. Газета хафталик тартибда ўз вақтида тарқатилади ва қабул қилиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилади. Бу тизимли назорат мавжудлигидан далолат беради.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, газета-журналларни обуначиларга етказиш механизми йўлга қўйилган, лекин унинг самарадорлиги ҳудудларга қараб фарқланади. Кадрлар барқарорлигини таъминлаш, обуначиларнинг рақамлаштириш ва етказиб бериш назоратини кучайтириш орқали тизимни янада такомиллаштириш мумкин.

Ўўғри, бу борада ижобий ўзгаришлар ҳам кузатишмоқда. Вугунги кунда Интернет орқали обуначилар қилиш, электрон нашрлар, тахририятларнинг ижтимоий тармоқларда фаоллиги ахборот тарқатиш қўламини кенгайтирмоқда. Айрим нашрлар PDF ёки мобил форматдаги версияларни тақдим эта бошлагани кўпчилик, айниқса, хориждаги ўзбек газетхонлари учун қўлайликлар туғдирмоқда.

Газеталарни тарқатишда юзага келаётган муаммонинг яна бир жиҳати иқтисодий омилларга боғлиқ. Масалан, хорижда реклама бозори яхши ривожлангани боис нашрлар даромадининг катта қисми реклама ҳиссасига тўғри келади ва обуначилар нархи нисбатан барқарор сақланади. Ўзбекистонда эса кўплаб даврий нашрлар учун обуначиларнинг даромади манбаи бўлиб қолмоқда. Демак, етказиб беришдаги ҳар қандай узиллиш молиявий барқарорликка ҳам таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, даврий нашрларни обуначиларга етказиб бериш масаласи оддий логистика эмас, балки ахборот сиёсати ва медиа барқарорлигининг муҳим омилдир. Хориж тажрибаси гибрид, босма ва рақамли модел энг самарали эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ҳам анъанавий матбуот тарқатиш тизимини модернизациялаш, хусусий дистрибуторларни жалб этиш, рақамли платформаларни ривожлантириш орқали етказиб бериш самарадорлигини ошириш мумкин.

Зеро, газетанинг таъсир фақат унинг мазмуни ва савиясига эмас, ўқувчининг қўлига иссиғида етиб боришига ҳам боғлиқ. Агар обуначилар уни вақтида олиб мутулаа қилса, газета-журналларга қизиқиши ва ишончи ортади, матбуотнинг эса жамиятдаги мавқеи сақланиб қолади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА

«ISHONCH»

Қадрият

МАЪРИФАТ НУРИ ҚАРИЯЛАР УЙЛАРИГАЧА КИРИБ БОРМОҚДА

Дунё аҳолиси тез кексаймоқда. Айниқса, сўнгги ўттиз йил ичида сайёрамиз одамлари орасида 60 ёшдан ошганлар сони икки баравар кўпайди. Бу эса дунёда қариялар уйлари ортисига сабаб бўлмоқда. АҚШда 20 минг, Францияда 7 минг, Россияда 1,5 мингдан зиёд қариялар уйи бор. Япония аҳолисининг 25 фоизидан кўпроғи 65 ёшдан ошганлар, шунинг учун қариялар уйи хизматига талаб катта. Бундай муассасаларга кириш учун одамлар навбатда туришади. Европада, хусусан Голландияда кексанинг қариялар уйида яшаши оддий ҳолдир. АҚШда эса кекса ота-оналарнинг қариялар уйида яшаш уларга нисбатан фарзандларининг муносабати ёмонлигини билдирмайди.

Бизнинг мамлакатимизда эса бундай муассасалар жуда кам. Борлари ҳам давлат тасарруфида. Яққа қолиб ёлғизликда умр кечираётган кексалар бизда озчиликни ташкил этса-да, барибир, уларнинг тақдирига ҳеч биримиз бефарқ эмасмиз. Тақдирнинг совуқ шамоллари туфайли танҳо яшовчи кексалар ҳолидан мунтазам хабар олиш юзасидан жойлардаги барча давлат идораларининг доимий иш режалари мавжуд.

Биз «Маърифат» тарбиётчилар жамияти аъзолари республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида юртимиз бўйлаб кенг кулоч ётган «Наврўз сайли» фестивалларида иштирок этдик.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида жойлашган «Саховат уйи»да бўлганимизда, ноғоралиги бор кексалар яшаш учун барча шароитлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Бу ердан янги ҳаммом, таъмирдан чиққан ошхона, спорт майдончаси, кутубхона қариялар хизматида. Бир қанча вақт тўхтаб қолган ўнга кир ювиш хонаси таъмирдан чиқарилиб, замонавий техника олиб берилибди. Иккита кир ювиш машинасини эса вилоят «Нуроний» жамғармаси совға қилибди. Сув сақлаш ҳавзаси, иситиш ва ёнгиндан сақлаш тизимлари замонавий техникалар билан таъминланган.

Муассасада юқори малакали врач ва ҳамширалар фаолият юритишар экан. Ўтган йили 158 нафар васийликка олинган шахс чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан сўнг интернат уйи шароитида даволанибди. 17 нафар шахс хомийларнинг бегараз ёрдами туфайли хусусий клиникаларда жарроҳлик амалиётидан кейин муолажа олибди.

«Саховат уйи»га муҳтарам Президентимиз томонидан совға қилинган автобусда бу йил Тошкент вилоятининг «Зангиота», «Шоабдумалик ота» зиёратгоҳлари ва «Ҳазрати имом»

мажмуасига маданий-маърифий саёҳат ташкил қилинибди.

Ўз бағрига 237 нафар кексани олган ушбу «Саховат уйи»да яшовчи кексалар ўзлари учун яратиб берилаётган шароитлар учун миннатдорчилик билдириб, юртимиз тинчлиги учун дуолар қилдилар.

Хайрия тadbирлари республика бўйлаб давом этмоқда. Фаргона вилояти Риштон туманидаги «Юқори Авазбой», Фаргона туманидаги «Янги аср», «Машғал», «Гуллиён», «Бўстон» маҳаллаларида яшовчи якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олинди. Уста бобнолар «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бўйича ўтказилаётган акцияда ёшларга кўчат экишни ўргатдилар. Умири далаларда ўтган фахрийларимиз бунёд этилаётган янги боғларга турли кўчатларни қадаб, оқ фотиҳа беришди.

Қашқадар вилоятининг Нишон туманидаги «Улуғбек», Деҳқонобод туманидаги «Оқиртма», Китоб туманидаги «Қайнар», Сарносий», «Шарқ юлдузи», «Гулистон» маҳаллаларида «Кексалар маслаҳат гуруҳи» аъзолари ва маҳаллалар еттичилиги иштирокида кам таъминланган, ёлғиз кишилар яшайдиган оилаларга саховат йўқловлари бўлиши озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Чироқчи туманининг «Жар» маҳалласида яшовчи кўзи ожиз ўрол Эргашов саховатпешаларга миннатдорлик рамзи сифатида ўз шеърларидан ўқиб берди.

Тadbирлар доирасида «Маърифат» тарбиётчилар жамияти аъзолари ва жойлардаги қадрифуқловлари бўлиши озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Чироқчи туманининг «Жар» маҳалласида яшовчи кўзи ожиз ўрол Эргашов саховатпешаларга миннатдорлик рамзи сифатида ўз шеърларидан ўқиб берди.

«Наврўз сайли» ўтар, аммо маънавият, қадрият, саховат давом этади.

Зулфия МЎМИНОВА,

«Маърифат» тарбиётчилар жамияти аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ВИКТОР ОРБАН МАҒЛУБ БЎЛДИ

Янги Бош вазир сайланиши кутилаётган Венгрия Миллий Мажлисининг янги қақирқдаги биринчи сессияси сайловлардан сўнг 30 кун ичида ўтказилади. Бу ҳақда 12 апрель куни мамлакат президенти Тамаш Шуйок маълум қилди.

Давлат раҳбари расман сайлов янқларни эълон қилинган, бир палатали парламентга ўтишга муваффақ бўлган барча сиёсий кучлар раҳбарлари билан учрашишини айтди. Президентнинг таъкидлашича, янги Вазирлар Маҳкамаси таркиби бўйича тақлиф Венгрия

Конституцияси ва сиёсий анъаналарига мувофиқ тайёрланади.

«Сайлов натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, у Венгрия кейинги даврда қайси йўлдан боришини белгилайдиган қонуний ваколатни англатади», деди Шуйок.

Венгрия бош вазири Виктор Орбан 12 апрель куни мамлакатдаги парламент сайловлари натижалари унинг «Фидес» партияси учун ўта оғриқли бўлганини, партия ҳатто муҳолифатда қолган тақдирда ҳам мамлакат ва халққа хизмат қилишда давом этишини таъкидлади.

ҲУСИЙЛАРДАН НАВБАТДАГИ ТАҲДИД

Ҳусийлар Вашингтон ва Тел-Авив Техронга ҳужумларни қайта бошласа, уларга қарши ҳарбий амалиётларни кучайтиришга ваъда берди.

«Агар Америка ва бизга душман Исроил томонидан Эрон ҳамда қаршилик ёйиға қарши тажовуз қайта бошланса, Яман позицияси қатъий: фаол иштирок этиш ва ҳарбий амалиётларни кучайтириш», дея ушбу шиалар ҳаракатининг ТИВ баёнотини Saba агентлиги келтирган.

Ҳусийлар Америка раҳбариятининг жоҳарони янги босқичга олиб чиқиш ҳақидаги баёнотларини чорлов сифатида қабул қилаётганини таъкидламоқдалар.

Шиалар ҳаракати жоҳаро бошланганидан бир ой ўтиб, Эрон томонида урушга қўшилган эди. Пайшанба куни уларнинг етакчиси Абдул Малик ал-Ҳусий АҚШ ва Исроилга Қизил денгиздан Исом Республикасига қарши ҳужумлар учун фойдаланишга тўсқинлик қилганларини билдирди.

Авалроқ Уганда ҳарбийлари қарийб 20 йил давомида «Аш-Шабааб» гуруҳига қарши қаратилган Африка Иттифоқининг AMISOM миссиясида иштирок этган.

Кайнеругаба, аввалроқ Уганда армияси икки ҳафта ичида Техронни назоратга олишга қодирлигини ҳам айтиб ўтган эди.

УГАНДА ГЕНЕРАЛИ ТУРКИЯГА ДАЪВО ҚИЛДИ

Уганда президентининг ўғли ва мамлакат армияси бош кўмондони Мухузи Кайнеругаба Туркиядан 1 миллиард доллар товопу пули ҳамда унга мамлакатнинг «энг гўзал аёли»ни турмушга беришни талаб қилди.

Кайнеругабанинг сўзларига қўра, ақс ҳолда, Уганда 30 кун ичида Анқара билан дипломатик муносабатларни узиши мумкин. Шу билан бирга, у жоҳаро чиқариш нияти йўқлигини ҳам алоҳида таъкидлаган.

У бундай кескин баёнотларга Туркиянинг Сомалидаги сиёсати сабаб бўлганини айтган. Уганда Анқара ушбу мамлакатдаги вазиятдан манфаат кўрапти, деган фикрда.

Авалроқ Уганда ҳарбийлари қарийб 20 йил давомида «Аш-Шабааб» гуруҳига қарши қаратилган Африка Иттифоқининг AMISOM миссиясида иштирок этган.

Кайнеругаба, аввалроқ Уганда армияси икки ҳафта ичида Техронни назоратга олишга қодирлигини ҳам айтиб ўтган эди.



НЕФТЬ НАРХИ 100 ДОЛЛАРДАН ОШДИ

13 апрель куни нефть нархи баррель учун 100 доллардан юқори даражага етди. Reutersнинг хабар беришича, Brent маркали нефть фьючерслари 6,71 долларга, яъни 7,05 фоизга қимматлаб, бир баррель учун 101,9 долларга етган. Жума куни эса ушбу кўрсаткич 0,75 фоизга пасайган эди.

Американинг West Texas Intermediate нефти бир баррель учун 104,16 доллардан савдо қилинган бўлиб, 7,59 долларга ёки 7,86 фоизга кўтарилган. Аввалги савдо сессиясида у 1,33 фоизга пасайган эди.

Нархлар АҚШ Марказий кўмондонлиги Ҳўрмуз бўғозини қамал қилишини эълон қилган, кескин ошиб кетди.

Оламгир ОТАЁРОВ

тайёрлади

ИСМИДА НУР, ҚАЛБИДА НУР

Менга Ўзбекистон халқ шоири, меҳрли устоз Ойдин Ҳожиёва билан ўн саккиз йил «Саодат» журнали тахририятида бирга ишлаш бахти насиб этган. Шоирани эслаганимда (зотан, ҳеч қачон унутмайман, ҳамisha дуоларимда) энг аввал, шеър ўқитган пайтдаги овози қулоғим остида жаранглай бошлайди. Нималардандир, кимлардандир дили хираланса, найфияти кўпроқ шеър билан кўтариларди.

– Ойдин опа, табиатим шу тобда битта гўзал шеър сўраб турибди. Келинг, ўқиб беринг, – дегдими эш боладек эркаланиб. Ҳеч қачон «Йўқ» демасдилар: ...Қаён борсам, жаҳон ичра

борур ул ён Бухоро ҳам,
Сўраб бахтим сомон бўлсам,
бўлур сомон Бухоро ҳам.

Нихолим, мунисим, дардкаш,
танамда қатраи жонсан,
Ғанимаг ўқ отар бўлсам,
бўлур камон Бухоро ҳам.

Агар хайру савоб ўлсам,
бўлур осмон Бухоро ҳам,
Ки мен хоки туброў ўлсам
бўлур гирён Бухоро ҳам...

Шеър ўқиганида бошқача бўлиб кетарди. Чехраси нурланарди, кўзларида ҳам нур порлар эди. Бу кайфияти ўзи билан узоқ қолишни истардим. Яна ва яна шеър сўрадим:

...Хазориспанд бўлсам саҳроларингда,

Феруза тош бўлсам дарёларингда,
Ҳайит ойи бўлсам самоларингда,
Мехру вафо кўрар дунёларингда
Сени ёмон кўздан асрамоқ учун...

Ойдин опам бу муҳаррир сифатида зиммасидани барча вазифаларини масъулият билан адо этарди. Журналининг ҳар бир сони учун тайёрланган

материаллар режасидан бошлаб, ҳар саҳифага тушадиган мақолани ўқиш, суврат танлаш, таҳрир, ҳатто тағсўзларгача синчиклаб кўрарди. Ҳисоб-китоб ишларига ҳам аралашарди. Даромад, буромад – ҳаммасини кўриб, текшириб борарди. Лекин бу жараёнларда шоир юрагини бир жойга қўлаб қўямасди. Шоирлиги ҳамisha ўзи билан бирга эди. Бу, айниқса, сафарларга чиққанимизда жуда қиройли тарзда намоён бўларди.

Ойдин опам жиддий давраларга ҳам шеърят билан жон киритиб юборарди. Яна бир одагига ҳавас қилардим. Минбарга чиқиб гапирган, кун тартибидани масала бўйича фикр билдирган инсонлар, айниқса, аёлларга атаб тўрт сатрдан шеър тўкиб ташларди. Уларни минбардан туриб ўқиб берар, одамлар жуда хурсанд бўлишар, изларидан эргашиб юришарди.

Опанинг шоир кўнгиллари ғурурли бўлса-да, кибрилли эмасди. Тақдир қилган экан, юртимизнинг деярли барча шахру кишлокларига бирга сафарда бўлганмиз. Бундай пайтларда оддий одамлар орасига сингиб кетарди. Ўзи учун ҳеч қачон бошқача шароит, ўзгача таом талаб қилмасди. Таъби кўтармайдиган жойга, дастурхонга дуч келиб қолса, сездирмасликка ҳаракат қиларди. Одамларга малол келадиган ҳолатлардан қочарди. Ҳатто бир гал Сурхондарёдаги учрашув чоғи пахтазорга борганимизда, «Теримчиларга халақит бермайлик, иш кизгин пайти экан», деб машина кузовига чиқиб, пахтакорларга шеърлар ўқиб берганмиз. Қаерга борсак, истеъдодларни излаб юрарди. Қайси бир ёш иктидорнинг шеърлари ёқиб қолса, «Ҳа, яхши экан», деб қўя қолмасди.

Кумкўрғонда коллеждаги учрашувимизда Зилола исмли бир нозиккина киз шеър ўқиган. Унинг «Кўёш йўлагидан чапиб бораётман» деган ўша устозга маъқул келиб қолган. Унда пайтдаги вилоят хотин-қизлар кўмитаси раисига шу кизга эътибор беришларини сўраган. Қайтганимиздан сўнг Зилола Яхши-



еванинг шеърларини бир саҳифа қилиб «Саодат»да эълон қилганмиз. Ҳолбуки, журналининг бир саҳифаси катта-катта ижодкорлар учун ажратилар эди.

Ойдин опамда «Мен шоираман, бошқача ҳаётга лойиқман», деган илҳом йўқ эди. Бир гал ўзи ҳам қулиб гапириб берган эди. Ўзбек оилалари, аёллари ҳаётини тadbқиқ этишга келган япониялик олимпиа устозининг уйда бир ҳафта яшаган экан (назаримда, бу пайтда Иброҳим ака сафарда бўлган). Меҳмон бир неча кундан сўнг жавонга қатор-қатор қилиб териб қўйилган китобларни, унинг раҳбарлигида чоп этилаётган журнални кўргач:

– Хизматчингиз қаерда? – деб сўради.

Ойдин опам:
– Бека ҳам, хизматчи ҳам ўзимман, дебди.

Меҳмон Ойдин опамнинг уй юмушлари ва ижодий ишларга қандай улгурганига ҳайрон қолган экан.

Опанинг хонадонига қариндошчилик муносабатлари қайнардир. Қизилтепадан опалари юмуш билан келишар, жиянлари турли олий ўқув юрталарида ўқийшарди. Жиянларининг ўқиши, сессиялари ёпилишигача қизиқар, сўраб-

суриштириб юрарди. Холида, Маърифат, Моҳиёҳра жиянлари устозиникига келиб-кетиб юриб, олий таълим олганини биламан.

Ўзи ҳам Қизилтепага, она юрти Ьўстонга тез-тез бориб турарди. Бир неча бор ҳамроҳ бўлганман. Учрашувлар, меҳмондорчиликлар орасида, албатта, ота-онаси қабрларини зиёрат қиларди. Қабристон хизматчиларига ош тарқатарди. Қабр бошида узоқ тиловат қиларди. «Ёсин» сурасини қироат билан ўқиганда қорьяларини тинглагандай бўлардим.

Ҳарчанд сўзлари бутун, ўқтам бўлса-да, оилада ҳалима аёл эди. Кийиниш, борди-келдиларни Хўжасининг изнисиз қилмасди. Одийгина кундалик ҳаётда ҳам ҳар бир қадамидан Иброҳим акани хабардор қилиб турарди.

Ижод кишилари, айниқса, шоир халқи қолипларга, ўзанларга сиғмайди. Шунинг учун аксариятининг ҳаёти муҳокамаларга сабаб бўлади. Устоз ҳаёт тарзи қандай бўлишидан қатъи назар, истеъдодли шоирларни қабул қилар, ўрни келганда, қўларди.

Гулларни, баҳорни яхши кўрарди. Ҳеч кимдан ҳеч нарсани қизганмасди.

Чигагойга бизни тез-тез зиёратга олиб борарди. Зулфияхонимдан бошлаб Саида Зуннунова, Гафур Ғулумдан тортиб Мақсуд Шайхзодагача қабрларига гуллар кўярди. Айниқса, Мақсуд Шайхзода ҳеч унутмасдик. «Йўқловчилари йўқ», дея кўзларига ёш оларди.

Мана, учинчи баҳорни Ойдин опамсиз қарши олаётимиз. Лекин азиз сиймоси ҳамisha ёдимизда. Яхши ишларини замонга мос равишда бойитиб, «Саодат»да давом эттириётган хозирги бош муҳаррир Мунаввара Усмонова ҳам ўзаро йигинларда:

– Албатта, китоблари шоира умрини узайтирди. Фарзандларида насли давом этади. Аммо шу нашрга йигирма йилга яқин меҳнати синган инсонни хотирлаш, ёшларнинг ёдига солиб туриш бизнинг вазифамиз, – дея тез-тез тақорлайди.

Сизни яхшилик, соғинч билан ёздайимиз, шеър билан, фидойилик билан бу дунёни обод қилган эдингиз, у дунёнигиз ҳам обод бўлсин, Ойдин опа!

Қўтлибека РАҲИМБОВА



НАВРЎЗ КУБОГИ АҚШДАГИ ЎЗБЕК ДИАСПОРАСINI БИРЛАШТИРДИ

АҚШда фаолият юритиб келаётган Mahalla USA ассоциацияси бир неча йилдан буён ватандошлар ўртасида икки йирик футбол турнирини анъанага айлантирган. Кузда – Мустақиллик кубоги, баҳорда эса Наврўз кубоги ўтказилади.

Бу йилги мусобақа Чикаго шаҳрида бўлиб ўтди. Caplan Sport Complex ёпиқ спорт мажмуасида мамлакатнинг турли штатларидан келган 12 жамоа икки кун давомида бош соврин учун кураш олиб борди. Финалда Канзасдан келган FC Lochin жамоаси ҳамда Чикаго вакиллари ўзаро тўқнаш келди.

этиши бу мусобақага янада юқори руҳ ва қувонч бағишлади.

Майдонда самимий ва очик муҳит ҳукм сурди. Жамоалар сафида турли ёшдаги футболчилар майдонга тушди. Шунингдек, афроамерикалик ва латинамерикалик ўйинчилар ҳам ўзбек жамоаларига қўшилиб, мусобақанинг ҳақиқий бирлаштирувчи хусусиятини намоён эттишти.

Турнирнинг очилиш маросимида Mahalla USA президенти Абдумалик Аҳмедов иштирокчиларни байрам билан кутлаб, Наврўз кубоги АҚШдаги ўзбек диаспораси ҳаётида алоҳида ўрин тутатганини таъкидлади.

Наврўз кубоги доирасида Mahalla USA New York ва Чикагодаги ўзбек-америка ассоциацияси жамоалари ўртасида дўстона учрашув ҳам таъкидланди.

Турнир Mahalla USA ва Uzbek-American Association of Chicago ҳамкорлигида, Ўзбекистон футбол ассоциацияси қўллаб-қувватли билан ташкил этилди. Фахрий меҳмонлар орасида Тошкент шаҳар футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Азамат Абдураимов, Андижон вилоят футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Бекзод Каримов ҳам бўлди. Улар иштирокида ўтган очилиш маросими миллий руҳ ва байрамона кайфиятга лимом-лим тўлди.

Байрам дастури футбол билан чекланиб қолмади. Кеҳқурун тантанали маросим уюштирилди, иккинчи кун эса Наврўз байрами кенг нишонланди. Миллий қўшиқлар янгради, санъаткорлар қиқиш қилди, меҳмонларга ош тортилди.

Азамат Абдураимов таъкидлаганидек, мусобақа Чикагода спорт руҳи, биродарлик ва ҳамжиҳатлик соҳасидаги кенг қўламли ишлохлардан тортиб, маданий меросни асраб-авайлаш, ёшлар салохиятини қўллаб-қувватлашга эришишда тизимли ишлар давом этмоқда. Бу эса худуднинг келажаги янада юксалишидан дарак беради.

Турнир АҚШ, Канада ва Мексикада ўтадиган бўлажак жаҳон чемпионатининг ўзига хос муқаддимасига айланди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарихда илк бор мундиалда иштирок

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси тахририятнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича собиқ муҳбири

Ортиқбой МАМУТОВ
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради

Рафаэль НЕКТАЛОВ,
«The Bukharian Times»
газетаси бош муҳаррири,
АҚШ

БОЙ МЕРОС ВА ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки бой маданий мерос, ёшлар салоҳияти ва замонавий инновацияларни жорий этишдаги ютуқлари билан эътибор марказида турган Қорақалпоғистон ўтмиш анъаналари ва келажак имкониятлари уйғунлашган макон сифатида торабора ривожланмоқда.



«Саҳродаги Лувр» сифатида тан олинган И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи миллий ва жаҳон санъат дурдоналарини ўзида жамлаганили билан аҳамиятли. Шунингдек, «Оқ қуш» мажмуи ва қўбиз чолғуси ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига кириши халқнинг катта ютуғидир.

мўлжалланган замонавий агро-мажмуа ишга туширилиб, 2026-2028 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида 10 минг гектар ер майдонида чорва озукаси этиштириш чоралари кўрилади.

верситети талабаси Индира Сатниязова 2023-2025 йилларда математика йўналишида Республика ва халқаро олимпиадаларда бир қатор медаллар қўлга киритди. Унинг «Параболик тенгламалар учун компакт айирмалли схемалар», «Эгри чизикли интегралларни Симпсон усули орқали сонли усуллар ёрдамида ечиш алгоритми», бундан ташқари, «Grant KarSU дастури маълумотлар базаси» каби лойиҳалари халқаро интеллектуал мулк сифатида рўйхатдан ўтказилган.

Сўнгги йилларда худудда кенг қўламли ишлохлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, жорий йил якунига қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8 фоизга ошириш, ишсизлик даражасини 4,2 фоизгача, камбағаллик даражасини эса 3,2 фоизгача пасайтириш, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш каби вазифалар белгиланди. Шунингдек, Беруний туманида йиллик қуввати 36 минг тонна бўлган чорва ва балик озукаси ишлаб чиқаришга

Тадбиркорлар яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Мисол учун, нукуслик Шерзод Ниёзимбетов 2018 йилда 7 гектар ерда помидор қоқи этиштиришни бошлаган бўлса, бугун 180 гектар ерда этиштирган маҳсулотларини ўз бренди остида Италия, Франция давлатларига экспорт қилмоқда. Бошида 15-20 киши билан иш бошлаган тадбиркор хозир 200 кишининг бандлигини таъминлади. Йиллик фойдаси 700 минг АҚШ долларига тенг. У келажакда консерва заводи қуриб, ишларини янада такомиллаштиришни ният қилган.

– Янги Ўзбекистон ёшлари бугун юқори чўққиларни забт этмоқда. Бунинг учун барча шароит яратилган. Энди эса ушбу имкониятлардан фойдаланиб, ўз устимизда ишлашимиз керак, – дейди Зулфия номидаги давлат муқофоти совриндори Индира Сатниязова.

Жамият тараққиёти фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки маънавий ривожланиш билан ҳам белгиланади. Яна бир ёш тадбиркор Алаберди Мўйноқбоев 100 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи эвазига китоб дўкони очган.

– Ёшлар китоб ўқймайди, деган фикрга қўшилимайман. Дўконимиз ҳар кунга гажув. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамыз, – дейди у.

Хўжайли тумани «Саришунгил» маҳалласидаги «Хўжайли ун маҳсулотлари» МЧЖга ёш тадбиркор Юсуббек Каримов раҳбарлик қилмоқда. У 4,5 гек-

тар ер майдонида ўз ҳисобидан ва имтиёзли кредит ёрдамида жами 30,4 миллион сўм маблағ сарфлаб, замонавий қорхонага асос солди. Туркия технологиялари асосида қурилган қорхона кунига 200 тонна, йилга 50 минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 70 га яқин янги иш ўринлари яратилиб, қўлаб ёшларнинг бандлиги таъминланди.

бағишланган «ЕсоКеу» лойиҳаси қолиби, шунингдек, инновациялар соҳасида «Энг яхши платформа» йўналишида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, 45 миллион сўм пул билан муқофотланган. Қолаверса, коррупцияга қарши курашиш доирасида «Шаффолик ва адолат» лойиҳаси ташкилотчилари томонидан 3 минг АҚШ доллари миқдоринда грант маблағи билан тақдирланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ютуқларда фермер аёлларнинг ҳам хиссаси катта. Беруний туманида 85 гектар ерда пахта ва ғалла этиштириб, интенсив боғ яратган Венера Ибрағимова бунга ёрқин мисолдир. Илк бор трактор ҳайдаганда қўрққанидан ваҳима босган аёл бугун замонавий техникани бемалол бошқаради. 2024 йил гектаридан 25 центнер пахта, 20 центнер ғалла ҳосили олди. Жорий йилги режалари бундан-да катта. Богидо олма, ўрик, нок ва анор ҳосил бермоқда. 8 гектардан зиёд ерда тарвуз этиштириб, мўмай даромад олмақда.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистонда бугун иқтисодиёт, саноат ва технологиялар соҳасидаги кенг қўламли ишлохлардан тортиб, маданий меросни асраб-авайлаш, ёшлар салохиятини қўллаб-қувватлашга эришишда тизимли ишлар давом этмоқда. Бу эса худуднинг келажаги янада юксалишидан дарак беради.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!
Камолитдин Раҳимов ижросида
«ЎРТАР» кўшиғи
Машраб газали

Агар ошиқлигим айтсам куйиб жону жаҳон ўртар жону жаҳон ўртар
Бу ишқ сиррин баён этсам тоқи ул хонумон ўртар

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini rahbariyati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNABAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)
Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV
Musahhib: Umid XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDULLAJILOV
Boshiga topshirish vaqi – 21:00
Topshirishi – 00:30
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-411
1 2 3 4 5 6